



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг республика нашри Чоршанба кунлари чиқади

2

Маънавият тарғиботчилари учун махсус танлов
Ўшсиз-да, деманг бизга, хомийлик қиламиз сизга...

3

Меҳмонхона осмонда бўлса, хизматлар нархи қайда экан-а?
Қорамол ўғрилари қора курсига ўтирди...

4

Лўттибозга алданманг, абитуриент!
Юз турфа қушга ошиён хонадон...

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲАМКОРЛАРИ ТОБОРА КЎПАЙМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 3 июль кунини Оқсаройда Ислом тараққиёт банки президенти Аҳмад Муҳаммад Али раҳбарлигидаги Араб мувофиқлаштириш гуруҳи делегациясини қабул қилди.

— Биз араб дунёси молиявий ташилотлари билан ҳамкорликни юксак қадрлаймиз, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Ушбу нуфузли делегациянинг Ўзбекистонга ташрифи ва унинг доирасида ўтаётган мажлис кўп томонлама манфаатли натижалар билан якуланишига ва эришилган келишувлар истиқболда катта самаралар беришига ишонамиз.

Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси ва Абу-Даби Тараққиёт жамғармасини бирлаштирувчи Араб мувофиқлаштириш гуруҳи қатор мамлакатлардаги турли устувор лойиҳаларни молиялаштириш учун шу кунгача жами 75 миллиард АҚШ доллари миқдорига сармоя ажратган. Шундан Марказий Осиё мамлакатлари ва Озарбойжон ҳиссасига бир миллиард доллар тўғри келади. Бу миқдорни ошириш учун имкониятлар катта. Гуруҳ делегацияси Ўзбекистоннинг таълим, соғлиқни сақлаш, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, энергетика, кимё саноати, коммунал хизмат, қурилиш ва металлургия соҳаларидаги лойиҳаларни куриб чиқиш, амалга ошириш масалаларини муҳокама қилиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган. Гуруҳ эътиборига жами 26 лойиҳа тақдим қилиниши мўлжалланган.

Мазкур тузилмалар орасида Ислом тараққиёт банки (ИТБ) ва Кувайт араб иқтисодий тараққиёт

жамғармаси Ўзбекистон билан анча йиллардан буюн ҳамкорлик қилиб келади. ИТБ Бошқарувчилар кенгашининг 2003 йилда бўлиб ўтган йиллик йиғилишида Ўзбекистон мазкур ташилотга тенг ҳуқуқли аъзо этиб қабул қилинди.

Бу Саудия Арабистони Подшоҳлиги, Абу-Даби Амирлиги ва ОПЕК жамғармалари вакилларининг Ўзбекистонга илк расмий ташрифидир. Бу мамлакатимизнинг молиявий шериклари сони ортаётганидан ва айна пайтда араб дунёсида Ўзбекистон билан иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришга қизиқиш ошиб бораётганидан далолатдир.

Делегацияга Ўзбекистоннинг яна бир муҳим ҳамкори — Осиё тараққиёт банкининг вице-президенти Ликун Жин ҳамроҳлик қилаётгани ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Оқсаройдаги учрашувда меҳмонлар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган иқтисодий-ижтимоий ислохотларга юксак баҳо бердилар. Самимий қабул учун мамлакатимиз раҳбарига миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришга тайёр эканиklarини таъкидладилар.

Сўхбат чоғида мазкур тузилмалар билан ҳамкорликда қўшма лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан атрофлича фикр алмашилди.


(ЎЗА)



Тошкент вилояти Янгийўл туманидаги «Нийёбош» фермерлар уюшмасига қарашли «Шукр мурувати» фермер хўжалигида 40 гектар ерга экилган бугдой ҳосили деҳқонлар чамалаганидан ҳам анча мўл бўлди. Айна кунда фермерлар ҳар гектардан 40 центнердан ҳосил йиғиштиришмоқда.

— Келажакда албатта отам каби деҳқон-фермер бўламан, — дейди хўжалиқнинг ёш аъзоси Дилмурод Ортиқалиев.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.



(ЎЗА)

СЕРГЕЙ ИВАНОВ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Россия Федерацияси ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Сергей Иванов 3 июль кунини Ўзбекистонга келди.

Юқори мартабали меҳмоннинг 4 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Бош вазир Шавкат Мирзиёев билан учрашуви кўзда тутилган.

Музокараларда Ўзбекистон—Россия муносабатларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари муҳокама қилиниши, халқаро ташилотлар доирасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга оид масалалар юзасидан фикр алмашиш мўлжалланган.

(ЎЗА)

Хоразм вилояти
«Рўзғоримизга барака кирди...»

Ҳазорасп тумани Янгибозор қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Нельмат Турбоевнинг айтишича, 12 оилага соғин сизир олиб берилди, шунча оила чорва мол сотиб олиш учун тижорат банкларидан имтиёзли кредит олди.

Йил охиригача яна кам таъминланган ва кўп болали 40 оилага чорва мол тарқатиш мўлжалланмоқда. — Чорва мол сотиб олишга имкониятимиз йўқ эди, — дейди кўп болали оила бекаси Ҳўлжон Раҳимова. — Саховатли инсонлар ҳиммати билан соғин сизирли бўлди, хонадонимизга кут-барака кирди. Айнакиса, болаларимнинг қувончи чексиз. Бундай эътибор ва ғамхўрлик учун Юртбошимиздан миннатдоримиз.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎЗА мухбири.

Mahalla



— Яна нима дейсиз? — Галла ҳосили мўл, демек, ризқимиз бутун бўлади.

Қашқадарё вилояти

“ШУ АЗИЗ ВАТАН — БАРЧАМИЗНИКИ”

Муборак туманидаги марказий ўйингоҳида вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан “Ўзбекистонда яшовчи турли миллат аёллари ва ёшлари жиноятчиликка қарши” шиори остида дўстлик форуми бўлиб ўтди.

Ўйингоҳ ёнидаги амфитеатрда маҳаллалар йигит-қизлари, мактаб ўқувчиларининг “Биз гийёвандликка қаршимиз” мавзусидаги расмлари, рус, татар-бошқирд миллий маданият марказлари, вилоят ҳудудида азал-азалдан яшаб келаётган тожик, туркман, араб миллатига мансуб оилалар вакилларининг миллий урф-одатларини акс эттирувчи кўргазмалари намойиш этилди. Форум қатнашчилари баян, дўмбира, чилдирма, чанқовуз жўрлигида ўзбек, рус, украин, татар, тожик, қозоқ, туркман, араб тилида қўшиқлар ижро этишди. Миллий либосларда ижро этилган рақсларда турли миллат вакилларининг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари акс этди.

Шаҳрисабзнинг тоғли Мирани қўрғонидан келган онахон Галина Калита ва унинг келинларини ҳақиқий байналимал оила деса бўлади. Бундан 45 йил олдин ўзбек йигитига турмушга чиқиб, бу ерга келган рус аёли етти фарзандни вояга етказди. Икки келини тожик, утаси ўзбек қизлари. Онахон шарқ усулида кашта тикади, ўз хўлисида турли-туман гуллар ўстиради. Келинлар ҳам қайнона изидан боришмоқда. Хонадон аҳли ижро этган ўзбек, тожик, рус миллий қўшиқ ва рақслари форум қатнашчиларида катта таассурот қолдирди.

Ҳар икки вилоятда бўлиб ўтган Дўстлик форуми тадбирларида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

К.ЭГАМБЕРДИЕВ, “Mahalla” мухбири.

Лутфулла СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

Утган ҳафтада юртимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари хонадонлари кунини муносабати билан Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви, жамғарманинг Тошкент шаҳри бўлими маъмурияти ташаббуси билан таънавали тадбир ташкил этилиб, унда юртимиздаги фуқаролар йиғинлари ҳаётини, улардаги янгиликни ва бунёдкорлик жараёнларини, шунингдек, йиғинлар фаолиятига дахлдор муаммо ва долзарб масалаларни чуқур ўйитиб келаётган бир гуруҳ матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари тақдирланди.

ЖУРНАЛИСТЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

Тадбирда Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, “Маҳалла” жамғармаси республика бошқаруви раиси Анавар Аҳмедов иштирок этиб, журналистларни касб байрамлари билан табриклади ва жамятимиз, жумладан, фуқаролар йиғинлари тараққиётида матбуот ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали ўз вақтида, ҳолисона айтилган ўткир сўз, теран фикр катта аҳамиятга эга эканини алоҳида эътироф этди.

Тадбирда Ўзтелеферадиокомпанияси “Ўзбекистон”, “Тошкент” телеканаллари, “Ўзбекистон” радиоканали, шунингдек, “Mahalla”, “Тошкент оқшоми” газеталарининг иходдор ходимлари иштирок этдилар.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳа; тадбир иштирокчиси, “Ахборот” теледастурининг фидойи ходимларидан бири, оператор Исмоил Хайдаров.



Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

«Шу азиз Ватан — барчамизники» мавзусидаги дўстлик форуми Бўстонлиқ туманида ҳам бўлиб ўтди.

Вилоятда айна пайтда юздан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро дўстлик ва ҳамжихатликда ҳаёт кечириб, мамлакат равнақига муносиб улуш қўшмоқдалар.

Тадбирда таъкидланганидек, юртимиз азалдан дўстлик, бағрикенглик, тинчлик ва барқарорлик дидери бўлиб келган. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, уларнинг тили, урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини асраб-авайлаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунда вилоятда фаолият кўрсатаётган ўғтиздан зиёд миллий маданият марказларининг алоҳида ўрни бор.

Тадбирда вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда туман ҳокимлиги томонидан юрт равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган турли соҳа вакиллари муносиб тақдирланди. Таниқли санъаткорлар, миллий маданият марказларининг бадий жамоалари ижросидаги қуй-қўшиқлар барчага манзур бўлди.

Ёшлар спорти: шахмат

БЕЛЛАШУВЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Тошкентда 16-18 ёшли ўсмирлар ва қизлар ўртасидаги шахмат бўйича Осиё чемпионати беллашувлари қизғин паллага кирди. Унда юздан зиёд спортчи соғирли ўринлар учун курашни давом эттирмоқда.



Чемпионатнинг тўртинчи тур беллашувлари якунига кўра, 18 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасида юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган А.Қвон 3,5 очко билан шохсупанинг энг юқори погонасини эгаллаб турибди.

Қизлар ўртасида Ўзбекистонлик Н.Мўминова, Ю.Ҳамроқуллова ва қозогистонлик А.Русбоева 3 очко билан мусобақа жадалида етакчилик қилмоқда.

16 ёшгача бўлган ўғил болалар ўртасидаги баҳсларда ҳиндистонлик С.Сетхураман тўрт имкониятдан 4 очко жамғарган бўлса, ўзбекистонлик Х.Мустафоев ва ҳиндистонлик Б.Абхибан 3,5 очко билан кейинги ўринларни банд қилган.

Қизлар ўртасидаги мусобақаларда Ҳиндистон вакиллари Р.Падмини ва К.Пон 3,5 очко билан пешқадамлик қилмоқда. Ўзбекистонлик С.Қурбонбоева, Г.Эсонбоева ва қозогистонлик Г.Нахбоева эса уч очко тўплагача эришди.

К.ҚАРШИЕВ, ЎЗА мухбири.

“Футболимиз келажаги” турнири мусобақаларига

Жойларда “Маҳалла” жамғармаси ҳамда бошқа мутасадди ташилотлар ҳамкорлигида ҳар йили маҳалла болалари ва ўсмирлари ўртасида ўтказиб келинаётган аънавий “Футболимиз келажаги” Республика турнири мусобақалари давом этмоқда. Жорий йилда ушбу турнирда иштирок этаётган ёшлар сони 565 минг 604 нафарга етди. Айна кунларда мазкур турнирнинг ҳудудий босқичлари поёнига етмоқда.

Бухоро вилояти

ҒОЛИБ ЖАМОАЛАР АНИҚЛАНДИ

Бухоро шаҳри биринчилиги учун кечган мусобақада турнирнинг 1 босқичида ғолиб чиққан 37 та футбол жамоалари ўзаро беллашди.

Учрашуларда 9-10 ёшли футболчилар ўртасида Дилқушо маҳалласи, 11-12 ёшлилар ўртасида М.Фаробий номи, 13-14 ёшлилар ўртасида А.Фитрат номи, 15-16 ёшлилар ўртасида М.Фаробий номи маҳалла ёшлари ғолибликни қўлга киритишди.

Ғолибларга хомийлар ва мусобақа ташилотчиларининг эсдалик совғалари топширилди.

Тошкент шаҳри

ЁШЛИКНИНГ ЁШЛАРИ — ПЕШҚАДАМ

Натижаларга кўра, 9-10 ёшли болалар ўртасида Баҳор маҳалласи, 11-12 ва 12-14 ёшли футболчилар ўртасида Ёшлик маҳалласи ҳамда 15-16 ёшлилар ўртасида Узғарни маҳалласи ўсмир футболчилари ғолибликни қўлга киритди.

— Мусобақада жами бўлиб, 32 та жамоа қатнашган бўлса, бизнинг маҳалламиз ёшлари иккита ёш гуруҳи бўйича биринчи ўринга сазовор бўлди, — дейди Ёшлик маҳалласи ёш футболчилари мурабийи Маммадjon Абдураимов.

Тошкент вилояти

АФҒОНЛИК БОЛАЛАР — КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

Қибрай тумани марказий ўйингоҳида 9-10 ёшли болалар ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда Чиноз туманидаги Афғон маҳалласи ёшлари биринчи, Бекобод туманидаги Қўштанғали маҳалласи вакиллари иккинчи, Тошкент туманининг Норқўжа Амин номи маҳалласи ёш футболчилари учинчи ва мазкур учрашуларга мезбонлик қилган туманининг Янгиобод маҳалласи жамоаси тўртинчи ўринни эгаллади.

“Mahalla” мухбирларининг хабарлари

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот агентлигида 060 рақами билан рўйхатга олинган.

Тахририят манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

www.mahalla.uz E-mail: mahalla.gz@rambler.ru

Нашр кўрсаткичи: 148

Телефонлар:

Қабулхона — 136-53-93
Тел/Факс: — 133-44-25
Масъул котиб: 136-53-75
Хатлар бўлими: 136-57-62

«М.Я» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари берилди.

Муассислар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахририятининг меҳнат жамоаси.

Азиз муштарий! «Mahalla»га 2007 йилнинг қолган мўддати учун обуна давом этмоқда. Шошилинг! Йўқотилган кун учун ачинибдан кўра эртанги кун учун қайеурган афзал.

